O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV.№ 05093

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 28 май, № 107 (4770) Пайшанба

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАДРИДДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 май куни расмий ташриф билан Бразилия Федератив Республикасига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари Бразилияга бораётиб, Испания Қироллиги пойтахти Мадрид шаҳрига тўхтаб ўтди.***



**Мадрид. 27 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).**

Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Испания Қироли Хуан Карлос билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга оид масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистонда Испания билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор билан қаралади. 2006 йилда Испания Қироллиги билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳукумат қарори, 2009 йилнинг февраль ойида ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури қабул қилинган.

Айни пайтда Испанияда ҳам Ўзбекистон билан муносабатлар юксак қадрланади. Президент Ислом Каримовнинг 2003 йил январь ойида Испанияга давлат ташрифи асносида Мадриднинг ўша пайтдаги мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано мамлакатимиз раҳбарига ушбу қадим шаҳарнинг рамзий «Олтин калити»ни тақдим этган эди. Бу Мадрид Тошкент учун ҳамиша очиқлигининг ёрқин белгисидир.

Ўзбекистон ва Испания тарихан бир-бирига яқин давлатлардир. Олти аср муқаддам Амир Темур саройида Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо меҳмон бўлган. Соҳибқирон Муҳаммад ал-Қозийни ўзининг Испания Қироллигидаги элчиси этиб тайинлаган. Бу мамлакатларимиз халқлари ўртасида ўша даврлардаёқ маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.

Испания — иқтисодий жиҳатдан ривожланган, халқаро сиёсат майдонида юксак нуфузга эга мамлакат. Ўзбекистон ушбу давлат орқали бутун Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Ўз навбатида, Испания Марказий Осиёнинг етакчи давлати бўлган Ўзбекистон билан муносабатларни изчил ривожлантириш тарафдори. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган, парламентлар ва омбудсманлар ўртасидаги алоқалар тобора фаоллашмоқда.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Испания ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Мамлакатимизда «Texkominvest» (савдо), «Maxam Central Asia» (кимё саноати), «Balkan Eksport Import Asia» (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш), «Maxam Uzbekistan» (кимё саноати) каби қатор Ўзбекистон — Испания қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Испаниянинг «Preparado Alimenticios» (озиқ-овқат саноати), «Atlas Consorcio» (муқобил энергия технологиялари) сингари йирик компанияларининг ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Испания Ўзбекистоннинг ишончли сармоявий ҳамкорларидан ҳисобланади.

Гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик ривожланмоқда. 2000 йилда «Клавихо-Амир Темур» Испания — Ўзбекистон дўстлик уюшмаси тузилган. Мазкур уюшма билан ҳамкорликда 2004 йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Амир Темур давлати билан Испания Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 600 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди, Барселонада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асари испан тилида нашр қилинди.

Мамлакатларимиз олий ўқув юртлари ўртасида фаол алоқа ўрнатилган. Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги институтлар Испаниядаги йирик илмий тадқиқот муассасалари билан қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ислом Каримов ва Хуан Карлос икки томонлама муносабатларнинг бугунги кўламига юксак баҳо бериб, айни пайтда иқтисодий ҳамкорликка оид кўрсаткичлар икки мамлакат имкониятлари даражасида эмаслигини таъкидладилар. Бу йўналишдаги алоқаларни фаоллаштиришга, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга келишиб олинди.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил ижроси натижасида Наманганда қўшма корхоналар сони яна биттага кўпаядиган бўлди.***

## Конвейерда — автомобиль чироқлари

Вилоят марказида ташкил этилган "Ўз Часис" қўшма корхонаси "ЎзДЭУ" автомобиллари учун ёритиш чироқлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилмоқда.

Хорижий сармоя иштирокида амалга оширилаётган лойиҳа мамлакатимизда тайёрланаётган енгил автомобиллар учун бутловчи қисмлар турини кўпайтиради. Айни пайтда бу ерда меҳнат қилиш учун танловдан ўтган 22 нафар ёш мутахассис Жанубий Кореяда малака оширмоқда. Корхона ишлаб чиқариш биноларида эса реконструкция тадбирлари жадал суръатда давом эттирилаяпти. Лойиҳанинг биринчи навбати жорий йил август ойида ишга туширилади.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Хоразм вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

## Сув таъминоти яхшиланади

Ўтган йили 35 та аҳоли пунктида 29 километр узунликдаги сув қувурлари реконструкция қилиниб, 20 та аҳоли яшаш пунктида 48 километрдан ортиқ сув тармоқлари янгидан ётқизилди. Натижада 150 минг нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ҳозирги кунда Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш инвестиция лойиҳаси бўйича Осиё Тараққиёт банкининг 38 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағи ҳисобига Қорамон — Қўшкўпир ҳамда Хива — Янгиариқ туманлари йўналишида катта диаметрли 39,5 километр узунликдаги сув қувурларини, шунингдек, 224,6 километрлик кичик диаметрли сув тармоқларини ётқизиш, 14 та сув тақсимлаш иншоотини янгидан қуриш, 27 тасини капитал таъмирлаш, 24773 та сув ўлчагич асбобларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Германиянинг Гера шаҳри савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ўзаро ҳамкорлиги доирасида ташкил этилган семинарда Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари божхона ва савдо-саноат палаталари ходимлари иштирок этишди.***

## Халқаро семинар

Тадбирда иштирокчилар божхона иши бўйича халқаро тажрибалар билан танишдилар. Шунингдек, Европа Иттифоқи экспорт-импорт жараёнларининг қонуний асослари, божхона қонунчилиги, маҳсулотларни келтириш қоидалари, божхона бошқармасининг тижорат сектори билан алоқалари каби масалаларда қатнашчиларга атрофлича маълумот берилди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Галаосиё қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежида ўтказилган меҳнат ярмаркасида Бухоро туманидаги қирққа яқин корхона ва ташкилот ўзининг жами 150 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.***

## Бўш иш ўринлари ярмаркаси

Тадбирда 200 нафардан зиёд фуқаро қатнашди. Улар орасида олий ўқув юртлари ҳамда коллежлар битирувчилари, Қуролли Кучлар сафидан захирага бўшатилган йигитларни учратиш мумкин эди. Пировардида 115 нафар ёшларга ишга кириш учун йўлланмалар берилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***"Термизсут" масъулияти чекланган жамияти Хитойдан келтирилган маъданли сувни қадоқлаш линиясини ишга туширди.***

## Замонавий андозалар асосида

Янги цехда бир кунда 4 минг литр сув қадоқланади. Қувонарлиси, янги линия ишга тушиши билан 10 киши доимий иш билан таъминланди.

— Бу корхонамизда ишлаб чиқарилаётган тўққизинчи маҳсулот, — дейди жамият раиси Шавкат Эломонов. — Энди хорижнинг сутни замонавий андозалар асосида қадоқлайдиган технологиясини сотиб олишни режалаштираяпмиз.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БЕЛЬГИЯ СЕНАТОРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Бельгия қироллиги сенатори, «Бельгия — Ўзбекистон» парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси Ив Летерм 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида учрашув ўтказди.***

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Томонлар мазкур йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Меҳмонга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

— Бельгия билан Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатлари ҳар томонлама изчил ривожланиб бораётгани бизни қувонтиради, — деди Ив Летерм. — Ташриф асносида юртингиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Шу куни бельгиялик меҳмон Тошкент давлат юридик институтида ҳам музокара ўтказди.

# УНИВЕРСИТЕТ БИЛАН ТАНИШУВ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия Кент шаҳзодаси Майкл раҳбарлигидаги делегация 27 май куни Тошкент Халқаро Вестминстер университетида бўлиб, мазкур олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.***

Президент Ислом Каримовнинг қарорига мувофиқ, 2002 йилда ташкил этилган ушбу олий ўқув юрти Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг амалдаги намунасидир.

Тошкент Халқаро Вестминстер университетини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда иқтидорли ёшлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун уларга зарур шароит яратиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Буюк Британия делегацияси университет фаолияти билан танишар экан, бу ердаги ўқув тизимига, талабаларнинг пухта билим олиши учун яратилган шароитга юксак баҳо берди. Меҳмонлар университетда янги спорт мажмуасининг очилиш маросимида иштирок этди.

**(ЎзА).**

**1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни**

***Мамлакатимизда болаларни ҳимоя қилиш, уларни умуминсоний қадриятлар руҳида ҳар томонлама етук ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ва ушбу масала, айтиш жоизки, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бундан ташқари, болаларнинг ҳуқуқларини белгиловчи мукаммал қонунчилик асослари ҳам яратилди.***

# ЁШ АВЛОД ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Айниқса, мамлакатимизда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши жамиятда фарзандларимиз ҳуқуқларининг ҳимоя этилиши ҳамда кафолатларининг аниқ механизмлари яратилишини таъминлади. Шунингдек, мазкур ҳужжатда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида назарда тутилган боланинг асосий ҳуқуқлари мажмуаси мустаҳкамланди ҳамда унинг асосий принциплари ва қоидалари миллий қонунчилигимизга уйғунлаштирилди.

Меҳнат муносабатларидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг бола ҳуқуқларида кафолатланиши масалалари тўғрисида сўз юритар эканмиз, аввало, бу соҳада мамлакатимиз миллий қонунчилигидаги устуворликлар хусусида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Жумладан, юртимизда ишга қабул қилиш 16 ёшдан белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, 15 ёшга тўлган бола ота-онасининг ёки улардан бирининг ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Бу каби устуворликлар, албатта, халқимизнинг эзгу қадриятлари, бола тарбиясидаги анъаналарни эътиборда тутади. Ҳолбуки, болалар ва ўсмирлар томонидан уларнинг соғлом камол топишлари учун таъсир кўрсатмайдиган, таълим олишларига тўсқинлик қилмайдиган ишларни бажариш ижобий ҳол, деб баҳоланади. Бундай иш турлари болаларнинг уйда ёки оила ишларида ёрдам беришлари, таътил кунларида ўзларининг зарур харажатлари учун пул ишлаб топишлари каби меҳнат турлари билан таснифланади. Қолаверса, бу каби меҳнат болалар тарбиясига ҳам, оила фаровонлигига ҳам ёрдам бериш билан бирга, боланинг келажакда жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун зарур тажриба ва кўникмаларни олишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода ишонч билан айтиш мумкинки, меҳнат муносабатларидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилигимизда кафолатланиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Негаки, буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида, Меҳнат кодексининг 239-247-моддаларида, Оила кодексининг 67-моддасида, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасида, "Таълим тўғрисида"ги ва бошқа ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, мамлакатимиз парламенти томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенциялар ҳам мамлакатимиз миллий қонунчилигини шу йўналишда янада мукаммаллаштириш, ёш авлодни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконини бундан-да кенгайтиради.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан 2007 йил 15 январда тасдиқланган "Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури"да қисман иш куни шартлари асосида устозлик, квота ажратиш, ишга жойлаштириш имкониятлари эътиборга олиниб, ёшлар меҳнат биржаларини ижтимоий тармоқ сифатида ташкил этиш кўзда тутилган. Қолаверса, меҳнат қонунчилигига мувофиқ, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда уларга меҳнат ва дам олиш оромгоҳларини ташкил этиш, касб таълимини олган ёшларнинг ишга жойлашиши ва уларнинг бандлигини тезлаштириш, ишлаётган ўсмирларнинг меҳнат шароитлари мониторингини такомиллаштириш белгиланмоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар дунёнинг ривожланган давлатларида эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг Ўзбекистон иштирок этган сессияларида "Минг йиллик декларацияси", "Болалар яшаши

(Давоми 2-бетда).




## Қишлоқ инфратузилмаси жадал ривожланмоқда

**2009** йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамизда **220,6** километр узунликдаги газ узатиш қувурлари тармоғи ишга туширилди.

**Ўтган даврда жойларда ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш дастури доирасида кенг кўламли тадбирлар изчил амалга оширилгани туфайли соҳада шундай ижобий натижага эришилди.**

